



Ислом Нури

Изланувчи барча оятлардаги саҳобаларнинг ҳамма сўзларига қарashi, бир сўзни бошқасига боғлаши ва ҳар бир сўзning ўз ўрнини билиши зарур. Ана шунда тушунча тўғри бўлади, масъулиятдан холи бўладиган маънога ҳукм қилинади. Саҳобаларнинг Куръонни тафсир қилишдаги сўзларининг асли иттифоқдир. Уларнинг бу бобдаги ихтилофлари зиддиятли эмас, ранг-барамглик ихтилофидир. Бир саҳобийнинг мавзуси битта бўлган бир ёки икки оятдаги сўзи қандай қилиб кўпсонли бўлиши мумкин? Унинг сўзи иттифоқ бўлишга ҳақлироқдир. Сайд ибн Мансур Суфёндан ривоят қилди, у деди: «Куръон тафсирида ихтилоф йўқ, улар пурмаъно сўзлар бўлиб улардан у маъно ҳам бу маъно ҳам мақсад қилинади».

Айни маънодаги сўзни Ибн Қутайба «Таъвилу мушкилил Куръан»да, Мухаммад ибн Марвазий «Сунна» да, Шотибий «Мувофақот»да ва Ибн Таймия бир неча жойда айтган.

Кимки бир масаладаги саҳоба ва тобеинларнинг сўзларини тушунмоқчи бўлса, уларнинг ўша, ўшанга ўхшаш ва унга умумий маъносида яқин бўлган масаладаги ҳамма сўзларини жамласин. Саҳобаларнинг аёл киши либоси ҳақида сўзлари бор: чўри ва озод аёл, ёш ва қари аёл ҳақида, маҳрамлар ва бегоналар ҳузурида ҳамда гўдаклар ва катталар олдидаги ҳолатлари ҳақида. Аёлнинг намоз ва ҳаж каби ибодатларга хос ҳукмлари бор. Унинг либоси ҳақида эмас, балки унинг маъноси ўз ичига олган аҳкомлари бор. Масалан, жамоат ва икки ҳайит намозларига чиқишига доир ҳукмлар. Кимки ҳар бир бобда айтилган сўзларни жамласа кейин уларни чуқур ўрганса, уларнинг айрим жойдаги лафзининг умумий маъносини ва бошқа ўринлардаги унинг хос маъноларини билади, агар аввалда унинг тушунчасида чигаллик бўлса, шу билан барҳам топади.



Аёлнинг ҳижоби ва ўраниши ҳақидаги саҳобаларнинг сўзларини тушунишдаги хатоларнинг бир неча сабаби бор:

Биринчи: Саҳобий ё тобеиннинг бир жойдаги тушунарсизроқ сўзини танлаб олиш ва айни шу сўзни шарҳлайдиган, унинг мақсадини баён қиласиган бошқа бир неча жойдаги айни маънодаги тушунарли очиқ гапларини ташлаш. Мен салафларнинг баъзиларидан нақл қилаётган одамни кўрдим. У ўша олимнинг: «Аёлнинг кўриниб турган зийнати; юз ва икки кафтидир», деган мужмал (қисқа) сўзини олади-да, уни аёл омматун носнинг олдида кўриниш берадиган жойга ишлатади. У маҳсус сўзни олиб, ўз зеҳни билан ўзи хоҳлаган одамга татбиқ қилди ва олимнинг аёл киши маҳрамларидан ўзга бегоналарга юз ва кафтларини кўрсатиши мумкин эмас деган бошқа сўзларини тарк қилди. Нафақат шу, балки у олимнинг аёл кишини намозларга ва икки ҳайит намозига чиқишдан ман қиласиган бошқа сўзлари ҳам бор. Мана бу кимса олимнинг умумни кўзлаган сўзларини олади, у хоҳламаган фикрни айтади ва у хоҳлаган нарсаларни ташлайди. Бу одам Аллоҳ таолонинг мушриклар ҳақидаги сўзининг зоҳирини олган кимса кабидир: «...мушрикларни топган жойингизда ўлдирингиз, асир олингиз, қамал қилингиз ва барча йўлларда уларни кузатиб турингиз!» (Тавба: 5), у бу оят маъносини шарҳлаб берадиган ва бу оят кимларга йўналтирилганини баён қилиб берадиган оятларни ташлаб қўяди.

Бирор оят олдида турилганда унга хос ҳукмда ўхшайдиган ва унга умумий ҳукмда яқин бўладиган барча оятларни жамлаш лозим. Ким муфассирнинг ёш аёл ҳижоби ва сатрланиши ҳақидаги



муродини тушунишни истаса, унинг қари аёл либоси тўғрисидаги оятда айтган сўзига қарасин. Саҳоба ва тоебинлардан бўлган муфассир олим кампир учун нимага рухсат берган бўлса, ўша нарсага ёш аёлнинг ҳижобида рухсат бермаган. Бу одам ана шу оят билан ёш аёл либоси ҳақидаги оят маъносини тафсир қилсин кейин сатр оятларига яқин бўлган аҳкомлардаги ўша саҳобийнинг сўзларидан айни маънони таъкидлайдиган масжидларга, ҳайит намозларига, ҳаж ва шу кабиларга чиқиш ҳақидаги ҳадисларга қарасин. Эҳромдаги аёлни бегона эркаклар олдида юзини ўрашга буюрадиган одам қандай қилиб эҳромда бўлмаган аёл учун бегоналарга юз ва кафтларини кўрсатаверсин дейди?! Уни ҳажда ҳажини бузадиган амални қилишга буюрса, кейин эса ҳаждан бошқасида яхши ишни тарк қилишга буюрса!

Иккинчи: Қуръон тафсиридаги бир саҳобийнинг сўзини бошқа барча саҳобаларнинг сўзидан ажратиш ва улар тушунарли бўлиши учун уларни жамаламаслик ва бир-бирига қўшмаслик. Юкорида айтиб ўтганимиздек уларнинг сўзларидаги асл – иттифоқ ва баъзиси баъзисини шарҳлашдир.

Учинчи: Саҳобийнинг сўзини ғолибо унинг сўзидан ташқарига чиқмайдиган тобеин шогирдларининг сўзлари ва фатволаридан айриш. Зоро, тобеинларнинг сўзлари саҳоба шайхларининг сўзларини шарҳлайди.

Аёлнинг ҳижоби ва сатрланиши ҳақида келган оятларни жамлаш ва улардан



мақсад нима эканининг баёни

Куръоннинг беш ўрнида аёлнинг ҳижоби ва сатрланиши ҳақида очик оятлар келган. Буларнинг ҳаммасини бир жойда жамлаб ўрганиш Аллоҳ таолонинг айтганини бажариш демакдир: «**Аллоҳ энг гўзал сўзни (оятлари фасоҳат, балоғатда ва ихтилоф қилмасликда) бир-бирига ўхшаган, (ичидаги ҳукмлари) такрор-такрор келувчи бир Китоб қилиб нозил қилдики...**» (Зумар: 23), яъни баъзиси баъзисини таъкидлайди ва тасдиқлайди. Бундай эканлигидан мурод: Аллоҳ Ўз ҳукмини бир неча жойда такрор зикр қиласи, бу эса ўша ҳукмни мустаҳкамлайди ва чигал жойларини бошқа ўринлардаги баъзи қўшимча сўзлар ва ҳарфлар билан ечиб ташлайди.

Аёлнинг ҳижоби ва сатрланиши ҳақидаги очик оятлар мана булар:

Биринчи оят: Аллоҳ таолонинг Набий – соллаллоҳу алайҳи ва саллам – аёллари шаънида мӯъминларга айтган сўзи: «**Қачон сизлар (пайғамбар аёлларидан бирон нарса сўрасангизлар) парда ортида туриб сўранглар! Мана шу сизларнинг дилларингизни ҳам, уларнинг дилларини ҳам тоза тутувчироқдир.**» (Аҳзоб: 53).

Юқорида Куръондаги ва салафларнинг истилоҳларидаги ҳижобнинг маъноси ҳақида айтиб ўтилди. Улар ҳижобдан мақсад икки нарса ўртасини ажратадиган девор, тахта, парда ва бошқалар эканида ихтилоф қилмайдилар. Шу маънодаги оятлардан бири: «**Бирон одам учун Аллоҳ унга сўзлаши жоиз эмас, магар ваҳий орқали, ё (ҳижоб) бирон парда-тўсик ортидан... (сўзлар)**» (Шўро: 51), Бу оятдаги ҳижобдан мақсад аёллар киядиган либос эмас.



Ислом Нури

Кейинги замон олимлари бу истилоҳни ишлатдилар ва у кенг ёйилди. Уларнинг айримлари Қуръонни фуқаҳолар истилоҳлари билан тафсир қилишиб, ҳижобни - сарт қилувчи кийимни - Мўъминларнинг оналарига хос ёпинчиқ ва рўмол қилиб қўйиши! Бу билан улар салафлардан биронтаси айтмаган гапни пайдо қилишди. Чунки, салафлар шахсларни тўсиб турувчи нарса билан баданларни кийимлар билан ўраш ўртасини фарқлайдилар. Аллоҳ таоло мўминларни Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинларига - гарчи улар тирноқлари ҳам кўринмайдиган даражада ўранган бўлсалар ҳам - қарашдан (яъни, уларнинг қораларини кўришдан) қайтарди ва уларнинг ҳаммасини (саҳобалар ва уммаҳотлар) сўзлашаётганда девор ё тўсиқ ортида бўлишларига буюрди. Шунинг учун Уммаҳотул мўъминин тுяларга минадиган бўлсалар аввал тахтиравонга солиниб кейин туялар устига қўйилардилар.

Аллоҳ таоло Набий - соллаллоҳу алайҳи ва саллам - ни улуғлагани учун аёлларига нисбатан ҳукмни қаттиқ қилди. Қолган аёллар ҳам бу ҳукм остига дохилдирлар, бироқ уларнинг ҳукмлари енгилроқ. Чунки, уларнинг ва эрларининг зиммаларидағи масъулият енгилроқ. Мазкур оят икки жинс заруратсиз бир-бирлари билан аралashiши ва бирга ўтиришларининг ҳаром эканига далолат қилмоқда. Зеро, у барча аёллар муштарак бўлган иллат-сабабни зикр қилди: «**Мана шу сизларнинг дилларингизни ҳам, уларнинг дилларини ҳам тоза тутувчироқдир.**» (Аҳзоб: 53), бу оят барча аёлларга умумий суратда тегишли эканини Ибн Жарир Табарий, Ибн Абдулбар ва бошқалар айтган.

Бу оят уйларда эркаклардан тўсиниш ҳукмини олиб келган. Таълим ва иш жойлари шу кабидир, чунки у ерларда гап ҳам, ўтириш ҳам узоқ чўзилади. Аҳзоб сурасининг 53 ҳижоб ояти бир ҳукмни баён қилган



Ислом Нури

бўлса, Аҳзоб 59 ёпинчиқлар ояти бошқа бир ҳукмни баён қилган; бу ҳукм кўча, бозор, масжид ва бошқаларга чиқмоқчи бўлганда кийиладиган кийим ҳақидадир.

Иккинчи оят: Аллоҳ таоло деди: «**Ўз уйларингизда барқарор бўлинглар, яъни бесабаб уйларингиздан ташқарига чиқманглар, магар бирон ҳожат учун чиққанларингизда эса илгариги динсизлик давридаги очиқ-сочиқлик каби очиқ-сочиқлик қилманглар!** Намозни тўқис адо қилинглар, закотни беринглар ҳамда барча ишларда Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига итоат этинглар! Эй пайғамбар хонадонининг аҳли, Аллоҳ сизлардан гуноҳни кетказишни ва сизларни бутунлай поклашни истайди, холос. » (Аҳзоб: 33)

Аллоҳ таоло бу оятни нозил қилди ва унинг муқаддимасида – Пайғамбар оиласининг мусулмонлар орасидаги эътибори ва уларнинг олий мартабалари борлиги ҳамда уларнинг динда одамларга намуна эканликлари учун – Пайғамбар – соллаллоҳу алайҳи ва саллам – аёлларига буйруқ бериш билан бошлади. Бу оят ҳам Набий – соллаллоҳу алайҳи ва саллам – аёлларига қаттиқ ҳукмни баён қилишда ва бошқа аёллар ҳам бу оят ҳукми остига киришларида аввалгиси кабидир. Бироқ, бошқа аёлларники уларнидан енгилроқ. Аллоҳ таоло бу оядта эҳтиёжлари учун чиқишлигини мустасно қилди. Ҳожат борлиги учун аёлларни эркаклар билан гаплашишдан ман қилмади, лекин уларни майин (нозланиб) сўзлашдан қайтарди.

Бу оят аёлларнинг ўринлари эркакларнидан узоқ бўлишига далолат қилмоқда. Аввалги жоҳилият очиқ-сочиқлигини Мужоҳид ибн Жабр қуийидагича тафсир қилгани событ бўлган: “Аёл қўчага чиқиб эркакларнинг олдига тушиб юрарди. Ана шу аввалги жоҳилият очиқ-



сочиқлигидир”. Муқотил ибн Ҳайён айтди: “Аввалги жоҳилият очиқ-сочиқлиги -улар рўмолни бошларига ташлаб олар, уни маҳкам қилиб ўрамасдилар.

Баъзи салафлар – Ибн Аббос каби – розияллоҳу анҳумо – дан аввалги жоҳилият очиқ-сочиқлиги Нух билан Идрис ўрталарида бўлган деган сўзлари келган. Икрима деди: “Бу Иброҳимнинг туғулиш замони” У бундан кейин бўлган деб ҳам ривоят қилинган.

Нухдан кейин, бундан кўра баттарроқ оммавий очиқ-сочиқлик бўлганда, албатта Аллоҳ уни ёмонлиги учун мисол ўлароқ зикр қилган бўларди.

Бу оят Пайғамбар аёлларига ҳам, бошқа барча аёлларга ҳам умумий суратда тегишли эканини бир жамоа уламолар айтганлар, жумладан, Жассос, Ибн Касир ва бошқалар. Бунга Набий – соллаллоҳу алайҳи ва саллам – аёллардан аввалги жоҳилият очиқ-сочиқлигига очиқ-сочиқ юрмасликка байъат олганлари далолат қиласи. «Муснад»да сахих ривоятда келган, Умайма бинт Руқайфа ул зотни байъат қилганда унга айтган сўзлари қаторида: **«Аввалги жоҳилият очиқ-сочиқлигига очиқ-сочиқ юрмагин»** – деганлар. Бу ривоятга Табароний Ибн Аббос – розияллоҳу анҳумо – дан қилган ривояти гувоҳ бўлади.

Одам халқ ичидаги қанчалик машҳур, уларга намуна бўладиган; олимлар, муслиҳлар ва амирлардан бўлса, уларнинг аёллари ҳамин қадар кўпроқ ўранган бўлишлари керак. Чунки, одамлар ўзларининг катталарига эргашадилар. Улар ҳам ўзларига яхшиликда эргашганларнинг ажрларини, ёмонликда эргашганларнинг гуноҳларини оладилар.



Учинчи оят: Аллоҳ таоло деди: «**Эй пайғамбар, жуфтларингизга, қизларингизга ва мўминларнинг аёлларига айтинг, устларига ёпинчиқларини ўрасинлар! Мана шу уларнинг (чўри эмас, балки озод аёллар эканликлари) танилиб, озорланмасликлари учун энг яқин воситадир. Аллоҳ мағфиратли ва меҳрибон бўлган зотдир.**» (Аҳзоб: 59).

Бу ва Нур сурасидаги иккита (31 ва 60) оят барча мўминлар аёлларининг ҳижоби ҳақидаги энг очик ва дангал оятлардир. Бу оятлар (Пайғамбар – соллаллоҳу алайҳи ва саллам – аёллари), (қизлари) ва (мўминларнинг аёллари) учундир. Аллоҳ уларни устларига ёпинчиқларини ёпишга буюрди. Юқорида ёпинчиқлар – рўмол устидан ташланадиган, баданинг юқори ва ўрта қисмини ўрайдиган кенг кийим экани, ҳамда у билан юз ва кўкрак ўралиши айтиб ўтилди. «Саҳиҳайнда» Оиша онамизнинг ҳадисларида келган: «Юзимни ёпинчиғим билан ўраб олдим...».

Ёпинчиқ бугунги кундаги (араб аёллари ёпинадиган) абоага, ўтмишдаги паранжига яқин. Унинг енг ва ёқалари бўлмайди. Ёпинчиқ фақат юзни ёпадиган нарса эмас, балки юз ва ундан бошқа нарсаларни ҳам ўрайди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло: «**Устларига ёпинчиқларини ўрасинлар!**» деди, (Аҳзоб: 59). Маъноси: Ёпинчиининг томонларини олиб юз-қўлларини ўраб олсинлар. Демак, оятдаги буйруқ аёл юзини ўраши экан. Ёпинчиқ юқорида, (яъни бошда) аёл уни юзига тушириб олиш ва юзини у билан ўрашга буюрилди. Замахшарий айтди: «Агар аёл кишининг юзидаги мато очилиб кетса, юзингни ўра дейилади.» (Сўзма-сўз таржимаси: кийимингни юзингга торт, тушир, яқинлаштир.)

Оятдаги арабча “идноун” сўзи юқори томондан яқин бўлиш маъносини



Ислом Нури

ўз ичига олишига Ибн Аббос – розияллоҳу анҳумо – нинг «устларига ёпинчиқларини ташлаб олсинлар» деб, (идноунни) (идлоун) билан тафсир қилганлари далил бўлади. Буни Шофейй ва Байҳақий ривоят қилган. Тушириш юқори томондан бўлади. Аллоҳ таолонинг ушбу сўзлари шу маънода: **«Унга (бу ваҳийни) бир кучга тўлган, соҳиби қудрат (яъни Жаброил алайҳис-салом) таълим бермишдир. У аввал юксак уфқда кўриниб, тик турди. Сўнгра яқинлашиб, пастлади. (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга) икки камон оралиғида ё (ундан-да) яқинроқ бўлди. »** (Нажм: 5-8), бу Жаброилнинг Пайғамбар – соллаллоҳу алайҳи ва саллам – га яқинлиги эди. У юқорида эди, кейин яқинлашиб пастлади. Пақир далв деб аталди, чунки у қудуққа юқоридан пастга туширилади.

Ушбу оятдаги ва ундан бошқа суннатда келган ёпинчиқ ёпишни бир қанча саҳобалар **юзни ўраш** деб тафсир қилишган. Бу гап Ибн Аббос – розияллоҳу анҳумо –, Оиша – розияллоҳу анҳо. Тобеинлардан: Убайда Салмоний, Муҳаммад ибн Сирин ва Ибн Авнлардан ривоят қилинган. Мен саҳобалардан бирортасидан бунга хилоф маъно саҳих ривоят билан келганини билмайман.

Ибн Аббоснинг сўзи: «Аллоҳ мўминларнинг аёлларини бирор юмуш билан уйларидан чиқсалар, ёпинчиқларини бошларининг устидан ташлаб, у билан юзларини ўрашга ва фақат битта қўзни очишга буюрди.» Ибн Жарир ва Ибн Абу Хотим Алий ибн Талҳадан, у Ибн Аббосдан ривоят қилган. Бу бир саҳифада ёзилган тафсирдир, бу саҳифани имом Аҳмад қувватлаган, имом Бухорий уни ҳужжат қилиб келтирган.

Оиша – розияллоҳу анҳо – сўзлари: «Аёл киши ёпинчиғини бошидан юзига ташлаб олади.» Сайд ибн Мансур «Сунанида» саҳих санад билан



ривоят қилган.

Убайда Салмонийнинг сўзини: Ибн Авн Мұхаммад ибн Сириндан ривоят қилган, у деди: «Убайда Салмонийдан Аллоҳ таолонинг ушбу сўзи ҳақида сўрадим: **«Устларига ёпинчиқларини ўрасинлар!»** (Аҳзоб: 59) у бошини ва юзини ўраб битта кўзини қолдирди.» Ибн Сирин ва Ибн Авн мана шундай тафсир қилганлар. Ибн Жарир ривояти.

Исломнинг биринчи асрида сахобалар аёлларининг ҳаммаси мана шундай бўлганлар. «Саҳиҳайнда» Ҳафса бинт Сирин Умму Атиядан ва бошқалардан ривоят қилинган, Пайғамбар - соллаллоҳу алайҳи ва саллам - аёлларни ҳайит намозига ҳозир бўлишларига буйруқ берганларида, сўраганлар: «Биздан бирортамизнинг ёпинчики бўлмаса, ҳайит намозга чиқмай қўяверса бўладими?» Ул зот: **«Ўртоғи унга ўз ёпинчиғидан кийдириб турсин, у ҳам яхшилик ва мусулмонларнинг дуоларида ҳозир бўлсин.»**, деб жавоб берганлар.

Айрим кишилар тўртинчи оятдаги нарсани яхши тушуна олмайдилар: Аллоҳ таоло деди: **«Мўминаларга ҳам айтинг, кўзларини (номаҳрам эркакларга тикишдан) тўссинлар ва авратларини (ҳаромдан) сақласинлар! Ҳамда кўриниб тургандан бошқа зеб-зийнатларини (яъни узук, сурма, юз, кафт ва хиналаридан бошқа зеб-зийнатларини маҳрамларига) кўрсатмасинлар ва кўкракларини рўмоллари билан тўссинлар!** Улар зеб-зийнатларини кўрсатмасинлар, магар эрларига ё оталарига ё эрларининг оталарига ё ўғилларига ё эрларининг ўғилларига ё ўзларининг оға-иниларига ё оға-иниларининг ўғилларига ё опа-сингилларининг ўғилларига ё ўзлари (каби)



**аёлларга ё қўл остиларидағи қул ва чўриларга ё аёллардан
бехожат бўлган (яъни жуда кексайиб қолган ёки ақлсиз-
девона) эркакларга ё аёлларнинг авратларидан хабардор
бўлмаган гўдакларгагина (кўрсатишлари жоиздир). Яна
яширган зеб-зийнатлар билинсин учун оёқларини (ерга)
урмасинлар!» (Нур: 31).**

Кимки ҳижоб оятлари нозил бўлган замонларни билмаса, ҳижоб ва
сатр оятларидағи саҳобаларнинг сўзларини бир-бири билан
жамламаса ва аёл кишининг либоси, тўсиениши ва ҳижоби бобидаги
уларнинг мазҳабларига қарамаса, унга бу масала тушунарли бўлмайди
ва у - юқорида айтиб ўтганимиздек - сўзларнинг баъзисини бошқасига
қарши қўяди. Нур ва Аҳзоб сураларидағи ҳижоб оятлари бир дафъада
тушган эмас. Саҳобаларнинг тафсир қилишдаги сўзлари ҳолат ва
ўринларга қараб турли-туман бўлади ва лекин қарама-қарши
бўлмайди. Юқорида айтилганидек, битта масалада бир саҳобийнинг
сўзлари қарма-қарши бўлмаслиги авлорокдир.

**Аллоҳ таоло оятда зийнатни зикр қилди ва уни умумий суратда
икки турга бўлди:**

Биринчи: Аслида кўриниши мумкин бўлмаган ички зийнат. Бу ушбу
оятда келди: «**Улар зеб-зийнатларини кўрсатмасинлар**» сўнгра
истиснони келтирди.

Иккинчи: Аллоҳ хослаган одамларга кўринадиган очиқ зийнат.
**«Ҳамда кўриниб тургандан бошқа зеб-зийнатларини (яъни
узук, сурма, юз, кафт ва хиналаридан бошқа зеб-зийнатларини
маҳрамларига) кўрсатмасинлар»** (Нур: 31). Баъзи кимсалар
салафларнинг «**кўриниб тургандан бошқа зеб-зийнатларини**»



ҳақидаги тафсирларини аёллар бу зийнатларни маҳрам бўлмаган
бегона эркакларга кўрсатаверадилар деб талқин қиласидилар ва саҳоба
ва тобеинлардан бу ҳақда айтган сўзларини нақл қиласидилар.

«Кўриниб турган...» ҳақида у - кафт ва юз. Бу тафсир Ибн Аббос ва
Ибн Умар - розияллоҳу анҳум - дан ва Заҳҳокдан ривоят қилингандек
- сурма, хина ва узук. Ё сурма ва узук, Анас - розияллоҳу анҳу - дан
 rivoyaт қилингандек. Ё хина ва сурма, Атодан ривоят қилингандек. Шаъбий
 ва Қатодадан, у сурма экани, Ҳасан Басрий ва Қатодадан, у юз ва
 кийим экани ривоят қилингандек. Икримадан, у юз ва кўкракнинг икки
 суюк бўртиб турадиган юқори қисми экани, Шаъбийдан, у сурма ва
 либос экани келган. Мана шу айтиб ўтилган тафсирлар ушбу
«Кўриниб турган...» ояти ҳақида саҳоба ва тобеинлардан ривоят
 қилингандек энг саҳих тафсирлардир.

Номлари айтиб ўтилган салафлар сўзларининг бари насабдан ёки
 эмикдошликтан маҳрам бўлганлар учун кўринадиган зийнатлардир.
 Бегоналар учун эмас. Ҳозирги очиқ-сочиқлик ва яримяланғочлик
 кўпайган замонда айrim одамлар бу тушунчани оғир санайдилар. Бу
 эса воқелик уларнинг қалбларига қилган таъсир оқибатидир. Саҳоба
 ва тобеинларнинг ифрат ва уятлари жуда қаттиқ бўлгани боис улар
 озод аёл begona эркакка қаерларини кўрсатса бўлади? – деган саволни
 деярли сўрамаганлар.

Саҳоба ва тобеинларнинг очиқ зийнатларни кўрсатиш ҳақида айтган
 сўзларидан мақсадлари begonaларга эмас, маҳрамларга кўрсатиш
 эканини уларнинг бошқа жойда айтган очиқ сўзлари ва улардан
 бошқаларнинг айтганлари очиқлаб беради. У сўзлар фақат мана шу
 маъно устида жамланади ва иттифоқ бўлади. Бу қуидаги тўртта
 сабабга кўрадир:



Биринчи: Нур сурасидаги «**Кўриниб турган...**» оятининг тафсири ҳақида юқорида кимдан саҳих ривоят келган бўлса, албатта ундан бошқа жойда бу оятдаги хукм маҳрамларга хос эканини қувватлайдиган очиқ ёки кучли далолати бор сўзлари келган.

Абдуллоҳ ибн Аббос – розияллоҳу анҳумо – дан саҳих ривоятда келган, у деди: «Кўриниб турган зийнат: юз, кўздаги сурма, кафтдаги хина ва узук. Бу нарсаларни ўз уйида унинг олдига киргандарга кўрсатса бўлади.» Яна ҳам очикроқ айтганлари: «**Ҳамда кўриниб тургандан бошқа зеб-зийнатларини (яъни узук, сурма, юз, кафт ва хиналаридан бошқа зеб-зийнатларини маҳрамларига) кўрсатмасинлар ва кўкракларини рўмоллари билан тўссинлар!** Улар зеб-зийнатларини кўрсатмасинлар, магар эрларига ё оталарига ё эрларининг оталарига ё ўғилларига ё эрларининг ўғилларига ё ўзларининг оға-иниларига ё оға-иниларининг ўғилларига ё опа-сингилларининг ўғилларига ё ўзлари (каби) аёлларга ё қўл остиларидаги қул ва чўриларига ё аёллардан беҳожат бўлган (яъни жуда кексайиб қолган ёки ақлсиз-девона) эркакларга ё аёлларнинг авратларидан хабардор бўлмаган гўдакларгагина (кўрсатишлари жоиздир). Яна яширган зеб-зийнатлар билинсин учун оёқларини (ерга) урмасинлар!» (Нур: 31).» «Ана шу одамларга кўрсатса бўладиган зийнатлари: зирағи, бўйнидаги марвариди ва билагузуги. Халхоли (оёқ тўпиги устига тақилади), қўлининг билакдан юқориси, кўкраги ва сочини фақат эрига кўрсатади.» Байҳақий Алийдан у эса Ибн Аббосдан ривоят қилган, саҳих ривоят.

Ибн Аббос маҳрамлар ҳақида гапирган қўйидаги сўзлари саҳих ривоят билан собит бўлган: «Уларга кўрсатадиган зийнатлари: зирағи, марварид шодаси ва билагузугидир, аммо халхоли, икки қўлининг чиғаноқдан юқориси, кўкраги (нинг юқори қисми) ва сочини фақат



эрига кўрсатади». Ибн Жарир Алий орқали Ибн Аббосдан ривоят қилган. Шундай қилиб Ибн Аббоснинг ҳаж, Аҳзоб оятлари, қари кампирлар ҳақидаги оят каби фикҳий бобларнинг барчасидаги сўзлари ва тафсирлари тўла бўлди. «**Хотинлардан (ўтириб) кексайиб қолган, эрга тегишини ўйламайдиганлари бирон зеб-зийнат билан ясанмаган ҳолларида кийимларини (яъни, ёпинчиқларини) олиб қўйишларида уларга гуноҳ йўқдир.**» (Нур: 60). У деди: «**ёпинчиқларини**», бу ёш аёл устида бўладиган нарса (яъни, ёпинчик).» Яна Ибн Аббосдан событ бўлганки, у деган: «Аллоҳ мўминларнинг аёлларини бирор юмуш билан уйларидан чиқсалар, ёпинчиқларини бошларининг устидан ташлаб, у билан юзларини ўрашга ва фақат битта кўзни очишга буюрди.» Ундан: «**Ёпинчиқни юзига ташлаб олади**» деб айтган сўзининг ривояти ҳам сахих.

Ибн Аббоснинг сўзига ўхшаган сўзларни айтган унинг барча шогирдлари номаҳрамлар ҳақида сўрашмас эди, уларнинг масалалари очиқ-оидин бўлгани учун улар ҳақида савол бўлган эмас. Улар жуда иффатли, гаплари ўта пардали бўлган. Улар шундай гапирадиларки, бу гапларни очиқлик, яримяланғочлик муҳитида заҳарланганлар тушуна олмайдилар. Бу муҳитда айрим аёллар салафларнинг аёллари отаси, акаси ва ўғлининг олдида киймайдиган кийимларни бегоналарнинг олдида киядиган бўлди. Кимки салафлар зийнатни нима деб тафсир қилганларини сатр-ўраниш ва аврат бобларидан жамласа, унга уларнинг мақсадлари очиқ-равshan кўринади.

Сайд ибн Жубайрдан: Хотинлардан (ўтириб) кексайиб қолганларга енгиллик бериш – фақат ёпинчиқларини олиб қўйишларига рухсат, холос. – экани сахих ривоятда келган. Сайд ибн Жубайр деди: «**Ёпинчиқни қўйиш билан очиқланмасинлар, уларнинг устларидаги зийнат кўриниб қолади.**» Ёпинчиқлар юзларни ҳам қўшиб



беркитадиган кийим экани юқорида айтиб ўтилди. Бу Сайд ибн Жубайрнинг раъийга кўра кампирга берилган рухсат бўлса, у ёш аёлга рухсат бўлмайди. Уламолар қари кампирга сочини очиши ҳалол бўлмаслигига ижмоъ қилганлар. Бу ҳақдаги ижмоъни Жассос ва Ибн Ҳазм келтирганлар.

Ато ибн Аби Рабоҳдан сочни маҳрамлардан тўсиш афзал экани ҳақидаги сўзи сахих ривоятда келган. У никоҳи ҳаром бўлган аёлларнинг бошларини кўрадиган киши ҳақида: «Аёллар ундан бошларини тўсишлари мен учун севиклироқ, агар кўрадиган бўлса, ҳечқиси йўқ». Ибн Абу Шайба Абдулмалик орқали Атодан ривоят қилган. Сахих ривоят.

Атодан ҳам Сайд ибн Жубайрдан кампир ҳақида: у ёпинчиғи билан юзини тўсмаса бўлади, дегани каби сўзи сахих ривоятда келган.

Мужоҳид ибн Жабрдан муслима аёл коғир аёл олдида рўмолини ечмайди деган сўзи сахих йўл билан ривоят қилинган. Унинг очиқ зийнат ҳақидаги: «у узук, хина ва сурма», деб айтган сўзини бу мусулмон бўлсин, мушрик бўлсин бегона эркаклар учун деб қандай ҳам айтиш мумкин?! Лайс Мужоҳиддан ривоят қилди, у деди: «Муслима мушриканинг олдида рўмолини бошидан олмасин ва мушрика муслимага доялик қиласин, зоро Аллоҳ таоло айтади: «**ё ўзлари каби аёлларга**» (Нур: 31), мушрика ўзлари каби аёллардан эмас.» Байҳақий Мужоҳиддан ривоят қилган. Лайснинг Мужоҳиддан ривояти бир китоб ва нусхадир, буни Ибн Ҳиббон айтган.

Сайд Ибн Жубайр ва Атодан событ бўлганидек Мужоҳиддан ҳам кампир ҳақида Аллоҳ унга ёпинчиғини қўйишга рухсат бергани ҳақидаги сўзи событ бўлган. Бу унинг назарида кампирнинг ёш аёлдан



фарқи бор эканига далолат қилади.

Очиқ зийнат ҳақида Омир аш-Шаъбий: «Сурма ва кийим», деган, Ибн Аббоснинг мавлоси Икрима «Юз ва кўкракнинг юқори қисми» деган. Бу икки олимдан улар жумҳур уламога хилоф ўлароқ аёл кишини ўз амакиси ва тоғаси олдида рўмолини олишдан қайтарганлари собит бўлган. Шундай экан, уларнинг **«Ҳамда кўриниб тургандан бошқа зеб-зийнатларини (яъни узук, сурма, юз, кафт ва хиналаридан бошқа зеб-зийнатларини маҳрамларига) кўрсатмасинлар»** (Нур: 31) оятидаги сўзларини «Аёл киши юзини, кўкрагини ва сурмасини ғирт бегона эркакларга кўрсатаверади» деган маънога йўйиш мумкин?! Ҳолбуки, улар оятда номлари келмаган маҳрамлар ҳақида қаттиқ гапни гапириб турган бўлсалар. Довуд Шаъбий ва Икримадан ривоят қиласар экан: **«Улар зеб-зийнатларини кўрсатмасинлар, магар эрларига ё оталарига ё эрларининг оталарига...!»** (Нур: 31) оятини охиригача ўқиди; у иккилари дедилар: «Аллоҳ амаки ва тоғани зикр қилмади, чунки улар ўз ўғилларига васфлаб берадилар. Яна дедиларки: аёл амакиси ва тоғаси олдида рўмолини бошидан олмасин», Ибн Абу Шайба, Ибн Жарир ва Ибн Мунзир ривоят қилганлар.

Буни Жобир Омир аш-Шаъбийдан қилган ривоят қувватлайди. У ҳар қандай маҳрам аёлнинг сочини кўришни кариҳ кўрар эди. Ибн Абу Шайба ривоят қилган.

Шаъбийдан ҳам Ибн Жубайр, Ато ва Мужоҳиддан қари аёл ҳақида айтганлари каби сўзи саҳиҳ ривоятда келган.

Ҳасан Басрийнинг раъийига кўра ака синглисини бошида рўмолсиз кўрмаслиги керак. Хишом Ҳасан Басрийдан ривоят қилди, ундан



Ислом Нури

сўралди: «Аёл акасининг олдида рўмoliniни олса бўладими?» У деди:
«Аллоҳга қасамки, унинг бунга ҳакқи йўқ.» Ибн Абу Шайба ривоят
қилган, сахих. Бу унинг маҳрамларни назарда тутганига далилдир.
Зеро, улар ўта тақволи бўлганларидан улардан бошқалар ҳақида
сўрашмас ва улардан бошқаларини мақсад қилишмас эди.

Ҳасан Басрийдан Ибн Жубайр, Ато, Мужоҳид ва Шаъбийдан келгани
каби, қари аёл ҳақида Аллоҳ уни ёпинчиқни қўйиш ҳукмида хослаган
деган сўзи сахих ривоятда келган.

Заҳҳок маҳрамлар ҳақида гапирганига Музоҳимнинг ундан қилган
 rivояти далолат қилади, у деди: «Онамнинг олдига кирмоқчи бўлсам,
 бошингизни ўраб олинг дейман.» Ибн Абу Шайба ривоят қилган.

Қатодадан Ибн Жубайр, Ато, Мужоҳид, Шаъбий ва Ҳасандан қари аёл
 ҳақида айтганлари каби сўзи сахих ривоятда келган.

Ибн Аббоснинг шогирдлари ва улардан бошқа тобеинларнинг
 биронтаси шу маънодан ташқарига чиқмадилар. Икрима ва Абу
 Солиҳдан «Очиқ зийнат кўйлакдан юқоридаги (ташқаридаги)
 нарсалар» деб айтгани сахих ривоятда келган. Маълумки, кўйлак уй
 кийими бўлиб, у билан кўчага чиқилмайди. Чунки, кўйлак соч ва
 кўкракни тўсмайди, буларни бегоналарга кўрсатиш ҳаром эканига
 иттифоқ қилинган.

Очиқ зийнатни кўйлак деб тафсир қилиш Иброҳим Нахайдан ҳам
 ривоят қилинган.

Товусдан событ бўлган: Товуснинг ўғли деди: У (отам) учун ўзига
 маҳрам бўлган аёллардан биронтасининг авратини кўришдан кўра



Ислом Нури

ёқимсизроқ нарса бўлган эмас. Маҳрам аёллардан бири унинг олдида рўмолини ечишини ёқтирас эди. Абдурраззок Мусаннафида Маъмар орқали Товуснинг ўғлидан Товус ҳақида ривоят қилган. Саҳиҳ.

Абдуллоҳ ибн Умардан Аллоҳ таоло кампир учун очишини истисно қилган нарса ёпинчиқ эканини айтгани саҳиҳ ривоятда событ бўлган. Уламолар юзни ёпинчиқ билан ўрамасликка рухсат кампир учун хос эканига иттифоқ қиляпдилар. Шундай экан ёш аёлга нисбатан юзни ёпинчиқ билан ўраш хукми қолди. Аёл кишининг ҳижоби ва либоси каби кундек равshan масалада (бобда) саҳобаларнинг сўзларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш уларнинг фиқҳларига ҳам, тушунчаларига ҳам, ақлларига ҳам лойиқ эмас.

Байҳақий ўз сунанида мана шу сўзлар ўртасини жамлашга мувофиқ тарзда боб ажратган; Ибн Аббос – розияллоҳу анҳумо – нинг **«Ҳамда кўриниб тургандан бошқа зеб-зийнатларини (яъни узук, сурма, юз, кафт ва хиналаридан бошқа зеб-зийнатларини маҳрамларига) кўрсатмасинлар»** (Нур: 31) оятига қилган тафсирининг маъносига ишора қилиб: **«Аёл киши оятда номлари айтилган маҳрамларига кўрсатса бўладиган зийнатлар ҳақидаги боб»**, деган кейин Ибн Аббоснинг бу хусусдаги сўзини келтирган: «Кўриниб турган зийнат: юз, кўздаги сурма, кафтдаги хина ва узук. Бу нарсаларни ўз уйида унинг олдига кирганларга кўрсатса бўлади.»

Ибн Абдулбар ҳам шу маънони айтган; зийнатни очиш ва уни кўрсатишини бегоналарга эмас, маҳрамлар учун қилиб деган: «Насабдан бўлсин, эмикдошлиқдан бўлсин маҳрамлардан фақат авратлар тўсилади, аёл кишининг юзи ва икки кафтидан бошқа жойи авратдир».



Кимки қолган саҳобаларнинг ҳам бу масаладаги тафсирларига қараса, у мана шу маънога мутобиқ ва мувофиқ эканини топади. Абдуллоҳ ибн Масъуддан **очиқ зийнат**; кийимлар экани событ бўлган. Унинг ироқликлардан бўлган Абул Аҳвас, Нахайй, Ҳасан, ибн Сирин ва бошқалар каби ҳамда бошқа барча шогирдлари худди шу фикрдалар. Мужоҳид ҳам шундай деган. Ибн Масъуднинг “Кийимлар”дан мақсади: ёпинчиқнинг остида бўладиган кийимларнинг зийнат ва безакларидир. Ёпинчиқ одатда уйларда кийиладиган кийимларнинг зийнатини тўсиб туради. Махрамлар учун буларни кўриш жоиз. Зоро, кийимда зийнат бўлади, (яъни кийим кийишнинг ўзи зийнатдир. Тарж) бунга далил Аллоҳ таоло ушбу сўзи: «... ҳар бир намозни адо этаётгандан зийнатланингиз (яъни, авратларингизни беркитадиган тоза либосда бўлингиз)» (Аъроф: 31) яъни кийим зийнати. Абу Исҳоқ Сабиий Ибн Масъуднинг сўзини шу маънода тафсир қилди ва «... ҳар бир намозни адо этаётгандан зийнатланингиз (яъни, авратларингизни беркитадиган тоза либосда бўлингиз)» оятини ўқиб қўйди. Абу Исҳоқ Сабиий бу тафсирни Абул Аҳвас орқали Ибн Масъуддан ривоят қилди.

Сайд ибн Мансур “Сунан”да ривоят қилган (Тафсир/1061).

«Таъвилу мушкилил Куръан» (40-бет).

«Сунна» (41-43).

«Мувофақот» (5/210-217).

Қаранг: «Мажмуул фатово» (5/160-163), (6/390-391), (13/333, 340-344,



381-384) ва (19/139-141).

«Тафсир Табарий» (19/166), «Тамҳид» (8/236).

Абдурраззоқ «Тафсирида» (2/116) ва Ибн Саъд «Табақотул куброда» (10/189) да ривоят қилган.

([8]) «Тафсир ибн Касир» (11/152) га қаранг.

([9]) Ибн Жарир тафсирида (19/98, 99), Ҳоким «Мустадракда» (2/548) ва Байҳақий Ҳокимдан «Шуабул иймонда» (5068) ибн Аббос – розияллоҳу анҳумодан – ривоят қилган. «Фатҳул Борий» (8/520) га қаранг.

Ибн Саъд «Табақотул куброда» (10/189, 190) да ривоят қилган.

Ибн Жарир тафсири (19/97-98) га қаранг.

«Аҳкомул Куръан» (5/259) ва «Тафсир Ибн Касир» (11/150) га қаранг.

Аҳмад «Муснадда» (2/196 рақам 6850) Ибн Жарир тафсирида (22/597) ривоят қилган.

Табароний «Кабирда» (11/264 рақам 11688) да ривоят қилган.

Бухорий (4141, 4750) ва Муслим (2770) ривоят қилган.

«Тафсир Замахшарий» (3/560) га қаранг.

Шофеий «ал-Умда» (3/370)

Ибн Жарир «Тафсирида» (19/181), Ибн Аби Хотим «Дуррул мансур»



Ислом Нури

(12/141) да келишича Алий ибн Аби Талҳа орқали Ибн Аббосдан ривоят қилган.

«Фатхул Борий» (8/438, 439) га қаранг.

«Фатхул Борий» (3/406) айтилганидек Сайд ибн Мансур «Сунанда» ривоят қилган.

Ибн Жарир «Тафсирда» (19/181, 182) да ривоят қилган.

Бухорий (324) ва Муслим (890) ривоят қилган.

Ибн Жарир «Тафсирида» (17/259), Ибн Аби Хотим «Тафсирида» (8/2576) ва Байҳақий «Сунан Кубро» (7/49) да ривоят қилган.

Ибн Жарир «Тафсирида» (17/264, 267) да ривоят қилган.

Абу Убайд «Фазоилул Қуръан» (307-бет), Ибн Жарир «Тафсирида» (17/360), Ибн Аби Хотим «Тафсирида» (8/2641) ва Байҳақий «Сунан Кубро» (7/93) да ривоят қилган.

Ибн Аби Хотим «Тафсирида» (8/2642) да ривоят қилган.

Жассос «Аҳқомул Қуръан» (5/196), Ибн Ҳазм «Муҳалло» (10/32).

Ибн Абу Шайба «Мусаннаф»ида (17566) ривоят қилган.

Сайд ибн Мансур «Сунанда» (1576/тафсир қисмида), у орқали Байҳақий «Сунанул Куброда» (7/95) да ривоят қилган.

«ас-Сиқот» (7/331) га қаранг.



Ислом Нури

Сайд ибн Мансур «Сунанда» (1617/тафсир қисмида), Ибн Жарир «Тафсирида» (17/361, 363, 364) да ривоят қилган. Бу ривоят Мужоҳиднинг тафсирида (2/444) да мавжуд.

Ибн Абу Шайба «Мусаннафида» (17580), у орқали Ибн Мунзир ривоят қилган. Қаранг: «Тафсир Ибн Касир» (10/220) ва «Ибн Жарир тафсири» (19/173).

Ибн Абу Шайба «Мусаннафида» (17569) ривоят қилган.

Ибн Жарир «Тафсирида» (17/363) да ривоят қилган.

Ибн Абу Шайба «Мусаннафида» (17568) ривоят қилган.

Абдурраззок тафсирида (2/63), Ибн Аби Хотим тафсирида (8/2641, 2642) да ривоят қилган.

Ибн Абу Шайба «Мусаннафида» (17574, 17576) да ривоят қилган.

Ибн Аби Хотим тафсирида (8/2640) да ривоят қилган.

Ибн Абу Шайба «Мусаннафида» (3/383) да ривоят қилган.

Ибн Аби Хотим тафсирида (10/109), Таҳовий «Шарҳ маоний осор» (4/332) да саҳиҳ санад билан ривоят қилган.

Абдурраззок «Мусаннафида» (12831) да ривоят қилган.

Сайд ибн Мансур «Сунанида» (1616/Тафсир қисмида), Ибн Аби Хотим «Тафсирида» (8/2641) да ривоят қилган.



«Тамҳид» (8/263) га қаранг.

Абдурраззоқ тафсирида (2/56), Саид ибн Мансур «Сунанида» (1569/тафсир) Ибн Абу Шайба «Мусаннафида» (17282, 17292), Ибн Жарир «Тафсирида» (17/256, 257), Ибн Аби Хотим «Тафсирида» (8/2573, 2574) ва бошқалар ривоят қилганлар.

«Сунану Саид ибн Мансур» (1571), Ибн Абу Шайба «Мусаннафи» (17258, 17289, 17293) ва Ибн Жарир «Тафсири» (8/2574) га қаранг.

Ибн Аби Хотим «Тафсирида» (8/2574) да ривоят қилган.

«Тафсир Абдурраззоқ» (2/56) ва Ибн Жарир «Тафсири» (17/257)га қаранг.